# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 8 апрель, № 69 (6504) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Қорақалпоғистон Республикаси:

# ИНВЕСТИЦИЯ, МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ

*Иқтисодиётни мустаҳкамлаш, шу тариқа юртни дунёга танитишда ташқи савдо амалиёти катта аҳамиятга эга. Бунинг учун мазкур соҳани жадал ривожлантириш, экспорт билан шуғулланувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш талаб этилади.*

*Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2012 йил 26 мартдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида республикамизда ушбу йўналишда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.*

**ҚАРОР ВА ИЖРО**





Хусусан, бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида чет эл сармоядорлари иштирокида 64 та қўшма корхона ташкил қилинган бўлиб, уларда ички ва ташқи бозорда рақобатдош маҳсулотлар тайёрланаяпти. Шундан 15 таси экспортчи корхона эканлиги диққатга сазовордир.

— Оролбўйида ташқи савдо ҳажми йилдан-йилга кўпаймоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг бўлими бошлиғи Мурат Аллабаев. — 2013 йилда экспортга чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 24,5 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2014 йилда 28,1 миллион долларга етди. Ўтган йилда эса 34,2 миллион АҚШ доллари миқдорида экспорт амалиёти бажарилди. Бу борада худудий корхоналарда белгиланган режа 104 фоизни ташкил этди.

(Давоми 2-бетда).

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қўмитанинг экспертлари билан биргаликда, қонун ижодкорлиги ҳамда назорат-таҳлил фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.*

# Қонун ижодкорлиги самарадорлигини ошириш — устувор вазифа

Маълумки, давлатимиз раҳбари парламент палаталарининг 2015 йил 23 январдаги қўшма мажлисида қонун ижодкорлиги фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш борасида устувор вазифаларни белгилаб берган эди. Шунга мувофиқ, Қонунчилик палатасининг ташкилий-ҳуқуқий тадбирлари, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишлари дастури ишлаб чиқилди ҳамда унга кўра, қонун ижодкорлиги сифатини янада ошириш, ушбу муҳим жараёнга экспертларни, жамоатчиликни, фуқаролик жамияти институтлари вакилларини кенг жалб қилишга эътибор қаратилди. Хусусан, мазкур йўналишда бир қатор қонун ҳужжатларига, жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламентига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмиталари ҳузуридаги эксперт гуруҳларни шакллантириш ва уларнинг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом қабул қилинди.

Йиғилишда бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, тайёрланаётган қонун лойиҳалари сифатини юксалтириш, ушбу жараёнда экспертлар иштирокини кучайтириш масалалари муҳокама этилди. Таъкидланганидек, Қонунчилик палатасида қабул қилинган ҳамда яқинда Сенат томонидан маъқулланган “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, қонуности ҳужжатлари қабул қилиниши ва ижроси мониторингини олиб бориш қўмиталар олдида турган муҳим йўналишлардан биридир.

Мулоқот чоғида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш, тегишли қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиш ва қонун ижодкорлигига оид бошқа тадбирларни ташкил этиш масаласи танқидий кўриб чиқилди. Шу билан бирга, экспертларнинг қонунларни инвентаризация қилиш, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришда ҳуқуқни қўллаш амалиётига ва халқаро тажрибани ўрганишга эътиборини кучайтириш лозимлигига аҳамият қаратилди. Айни чоғда қонун ижодкорлиги фаолиятини прогноз қилиш ҳамда режалаштириш бўйича самарали тизим яратиш, хусусан, истиқболда фан, таълим, маданият ва спорт соҳасига оид қонунларни қабул қилиш муҳимлиги таъкидланди.

— Қонун устуворлиги, қонунийликни ҳамда амалга оширилаётган тизимли ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш борасида қуйи палата қўмиталари бир қатор муҳим вазифаларни белгилаб олган, — дейди Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Нодир Мухторов. — Бу жараёнда экспертлар, соҳанинг етук мутахассисларини жалб этган ҳолда, янги қабул қилинаётган қонунларни ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиш, ушбу соҳада стратегияларни белгилаб олиш орқали ишларни босқичма-босқич ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Қатнашчилар айни шу масалаларга алоҳида диққат-эътибор қаратдилар.

Тадбир якунида қонунларнинг инвентаризациясини давом эттириш, уларнинг ишлаш механизмини кучайтириш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

**ЭҲТИРОМ**

Темурийлар тарихи Давлат музейида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишлаб, “Буюк аждодларга муносиб авлод бўлайлик!” мавзуида он-лайн мулоқот ўтказилди.

# Аждодлар мероси ва ёшлар тарбияси

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда тарихчи олимлар, ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар қатнашди.

Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди раиси Н. Ҳабибуллаев, Темурийлар тарихи Давлат музейи директори Х. Файзиев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида миллий маънавиятимизни асраб-авайлаш, ёшларни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб камолга етказиш масаласи доимий эътиборда эканини таъкидлади.

Амир Темур ва темурийлар тарихи, уларнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссасини ўрганиш, бой маънавий меросимиздан ёшларни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда кенг фойдаланиш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Буюк юртнинг бахтиёр фарзандлари

Самарқандда энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан “Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида ёшлар фестивали бошланди.

**ФЕСТИВАЛЬ**

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тегишли вазирлик ва идоралар, вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказилаётган мазкур тадбирда иқтидорли йигит-қизлар, жумладан, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, “Ниҳол” мукофоти, “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони совриндорлари, халқаро олимпиадалар, танловлар, спорт мусобақалари ғолиблари иштирок этмоқда.

Фестивалнинг очилишига бағишлаб ўтказилган маросимда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлод вакилларини Ватанга муҳаббат, истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгу шуурида юртга дахлдорлик, бунёдкорлик, келажакка ишонч туйғуларини мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётганини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазкур йўналишдаги ишларни янада юқори босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.

— Фестиваль ёшларнинг ҳақиқий байрамига айланаётир, — дейди “Камолот” ЁИҲ Самарқанд вилояти кенгаши раиси Абдулла Аслонов. — Жумладан, мактаблар, коллеж ва лицейлар, Меҳрибонлик уйларида “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!”, “Сиз севган қаҳрамонлар”, “Оммавий маданият” ва ёшлар маънавияти”, “Депутат ва ёшлар”, “Замонамиз қаҳрамонлари” каби мавзуларда таниқли шоир ҳамда ёзувчилар, кино ва театр актёрлари билан ўтказилаётган учрашувлар, китобхонликни кенг тарғиб қилишга қаратилган лойиҳалар, спорт мусобақалари эртамиз эгаларига унутилмас онларни тақдим этаяпти.

Ёшлар байрамининг биринчи кунида Регистон майдони йигит-қизлар билан янада гавжум бўлди. Бу ерда эл суйган хонандалар, ёш санъаткорлар томонидан “Ёшлар жонли ижро тарафдори” лойиҳаси ташкил этилди. “Сиёб” бозорида бўлиб ўтган “Ватанимга дил изҳори” номли акцияда эса Самарқанд новвойлари томонидан пиширилган хушбўй нонлар барчанинг, айниқса, хорижлик сайёҳларнинг диққат-эътиборини тортди. Бундан ташқари, “Ўзбекистонга хизмат қиламан” тадбири Тайлоқ туманида, “Одам савдоси — давр муаммоси” мавзуидаги давра суҳбати Ургут спорт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида, санъаткорлар билан мулоқотлар Пайариқ туманида уюштирилди. Бу каби қизиқарли тадбирлар вилоят ҳудудларида кенг давом этмоқда.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**АНЖУМАН**

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчиларининг II Республика Форуми ўтказилди. Унда тармоқ ва ҳудудий, турли корхона, ташкилот ҳамда муассасалар бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

# Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари Форуми

Тадбирда бугун мамлакатимиздаги корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда 37 минг 457 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти бўлиб, улар томонидан 6 миллион 200 минг нафардан зиёд аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоя қилиб келинаётгани алоҳида таъкидланди. Бу борада, албатта, кейинги йилларда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг корхона, ташкилот ҳамда муассасалар ижтимоий ҳаётида тутган ўрни ва ролини юксалтириш мақсадида тизимли ишлар олиб борилаётгани муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Коллеж битирувчиси — замонавий кадр

Сурхондарё вилоятидаги ишлаб чиқариш корхоналарида ёш мутахассисларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

*Мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби Сурхондарё вилоятида ҳам Янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ, жорий йилнинг январь — февраль ойларида 5191 иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг 4598 таси кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 1548 тасига аёллар, 826 тасига коллеж битирувчилари жалб қилинди.*



Маълумки, Президентимиз томонидан 2016 йил 9 февралда тасдиқланган “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурига кўра, 2015/2016 ўқув йилида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, ташкилот ҳамда корхоналар, шунингдек, таълим муассасалари маъмуриятлари ва тегишли ҳудуддаги ҳокимликлар ўртасида ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тўғрисида тўрт томонлама шартномаларни тузишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, Сурхондарё вилоятидаги 116 та касб-ҳунар коллежи битирувчилари — 42 минг 105 нафар ўқувчининг бандлик масаласини ҳал этиш режалаштирилган.

Бу борада, аввало, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари зиммасига алоҳида масъулият юклатилган. Шу боис барча туманда тадбиркорлар томонидан янги қувватлар фойдаланишга топширилмоқда, мавжуд корхоналар замонавий технологиялар билан жиҳозланаяпти. Термиз шаҳридаги “Surxon Termiz Chinni” масъулияти чекланган жамияти ана шулардан бири бўлиб, бу ерда қисқа вақт ичида 150 нафарга яқин кишининг бандлиги таъминланди. Эътиборлиси, бугунги кунда корхонада меҳнат қилаётганларнинг салкам 100 нафарини хотин-қизлар, 48 нафарини коллеж битирувчилари ташкил этмоқда. 10 та асосий ва 4 та ёрдамчи цехда эса ҳар ойда 20 минг дона чинни буюм ишлаб чиқарилиб, савдо шохобчаларига жўнатилаётир.

**ЖАРАЁН**

— Жорий йилдан бошлаб ҳududдаги коллежлар билан корхонамиз учун мутахассислар тайёрлаб бериш юзасидан шартномалар имзолаймиз, — дейди жамият раҳбари Рустам Неъматуллаев. — Ана шунда бўлғуси ишчиларимизнинг ишлаб чиқариш амалиётини бизда ўташ имконияти яратилади.

Вилоят маркази — Термизда жойлашган “Сурхон-Термиз-Силк” масъулияти чекланган жамиятида эса пилладан калава ип тайёрлаш йўлга қўйилган. Бу маҳсулотнинг асосий харидорлари хорижий енгил саноатчилар бўлса, корхонада меҳнат қилаётганларнинг аксарияти ёшлардан иборат.

(Давоми 2-бетда).

# Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

## Юқори ўсиш суръати

**Жиззах**

Жиззах шаҳридаги “Мир-Улуғбек-МХ” масъулияти чекланган жамияти томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 180 миллион сўмликдан ортиқ тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

— 2015 йили Хитойдан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатдик, — дейди жамият раҳбари Мирзаали Оқилов. — Корхонамизда йилига 2 миллион дона эркаклар, аёллар ва болалар пайпоқларини тайёрлаш имконияти мавжуд. Янги қувватларни ўзлаштириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга интилаяпмиз.

Айни пайтда 85 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган корхонада замонавий дизайндаги маҳсулотлар яратиш устида изланишлар олиб борилмоқда.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ.**

## Буюртмачи талабига кўра

**Бухоро**

“Ғиждувонтехстройпрогрессплюс” масъулияти чекланган жамиятида пўлат сим воситасида тайёрланаётган қурилишбоп плиталарнинг бир квадрат метри 17 тоннадан зиёд оғирликка дош бера олади.

Ваҳолонки, арматурали бетон плиталарда бу кўрсаткич 11-12 тоннадан иборат. Ғиждувон туманидаги мазкур корхона жамоаси бунга ишни қолипсиз технология асосида ташкил этишга қаратилган бизнес-режа ёрдамида эришди. Мазкур лойиҳага мувофиқ, хориждан замонавий технология сотиб олинди. Хом ашёни махсус жиҳозлар кўмагида саралаш ва ювиш орқали плиталарнинг яроқлилик муддати ҳам узайтирилди. Ҳозир бу ерда йиғма темир-бетон маҳсулотларини яхлит ҳолда тайёрлаш имконияти мавжуд. Улар буюртмачи хоҳишига кўра исталган ўлчамда кесилади.

Жорий йилда вилоят иқтисодиётининг турли тармоқларида жами 1924 та бизнес лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Феруза»нинг нонлари

**Фарғона**

Бувайда туманининг Янгиқўрғон қишлоғида нон ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Ҳудуддаги “Феруза” хусусий корхонаси раҳбари Саодат Ёқубова саъй-ҳаракати билан бунёд этилган ушбу тармоқда кунига 1200 донагача мазали нон ва нон маҳсулотлари тайёрланиб, ҳудуддаги мактабгача таълим муассасалари ҳамда харидорларга етказиб берилаяпти. Эътиборлиси, мазкур лойиҳа рўёбга чиқарилиши билан ўнга яқин иш ўринлари яратилди.

Корхона раҳбарининг таъкидлашича, тез орада қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади.

**Набижон СОБИРОВ.**

## Тадбиркор ташаббуси

**Наманган**

Наманган туманидаги “Асадбекғиштсаноат” масъулияти чекланган жамиятида миллий ўйинчоқлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу шу пайтга қадар қурилиш саноатида фаолият кўрсатиб келган корхонанинг қўшимча тармоғидир.

Турли миллий қаҳрамонларимизни ўзида акс эттирган ўйинчоқларни ишлаб чиқаришда табиий хом ашёдан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу лойиҳани амалга оширишда МЧЖ жамоаси банкнинг 360 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланди. Ажратилган маблағ эвазига хориждан келтирилган илғор технологик линия ёрдамида айни пайтда 20 турдаги маҳсулот тайёрланаяпти.

— Маҳаллий бозорларимизда ўйинчоқларимизга талаб ортиб бормоқда, — дейди корхона раҳбари Аҳадхон Эгамбердиев. — Боиси, маҳсулотларимиз сифати ва пишиқлиги жиҳатидан турдошлари билан бемалол рақобатлаша олади. Ҳар ойда ўртача 100 миллион сўмликдан зиёд ўйинчоқлар ишлаб чиқараяпмиз.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

Қорақалпоғистон Республикаси:

# ИНВЕСТИЦИЯ, МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур жараёнда тадбиркорлар фаол қатнашаётгани эътиборга лойиқ. Чунончи, Нукус шаҳридаги “Қалдибоев Тенгел” хусусий корхонаси халқ истеъмоли моллари, “Артемия Глобал” масъулияти чекланган жамияти артемия уруғи, Амударё туманидаги “Жумамурод новвой” фермер хўжалиги мева-сабзавот, Кегейли туманидаги “Саёт Ангор” масъулияти чекланган жамияти қизилмия илдизи, Хўжайли туманидаги “Замирбек-Тахиатош” хусусий корхонаси қурилиш маҳсулотлари билан ташқи бозорга дадил кириб бораяпти.

— Корхонамизда тайёрланаётган брусчатка, шлакоблок, профнастилга талаб юқори, — дейди “Замирбек-Тахиатош” хусусий корхонаси раҳбари Аҳмад Ҳасанов. — Айтайлик, йўлак учун ишлатиладиган бетон брусчатка совуққа чидамли ва мустаҳкам, ундан кўп йиллар мобайнида фойдаланиш мумкин. Шлакоблок эса нафақат арзон, балки енгил, иссиқликни яхши сақлайди, шовқинни ўтказмайди. Қолаверса, биттаси 12 та ғишт ўрнини қоплайди. Профнастилга келсак, у томёпқич, девор ёки тўсиқ сифатида қўлланилади. Айни пайтда кунига 16 миллион сўмлик ана шундай маҳсулотларни ишлаб чиқариб, буюртмачиларга етказиб бераяпмиз.

Беруний туманида жойлашган масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Astera Textile” хорижий корхонаси ҳам ташқи бозорда муваффақиятли фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларидан биридир.

— Модернизация тадбирлари доирасида цехларимиз умумий қиймати 14 миллион 29 минг АҚШ долларилик замонавий технологиялар билан жиҳозланди, — дейди МЧЖ раҳбари Ғафуржон Солиев. — Натижада йилига 5 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлдик. Шунингдек, жамоамиз аъзолари сони ҳам 300 нафарга етди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Айтиш жоизки, “Astera Textile” ёрлиғи туширилган маҳсулотларнинг асосий қисми экспорт учун мўлжалланган. Ўтган йили 3 миллион 247 минг АҚШ долларилик калава ип хорижга сотилди.

Юртимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришда бу каби енгил саноат корхоналари ҳиссаси ҳам тобора ошмоқда. Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасидаги олтита корхона томонидан 6,7 миллион АҚШ долларилик маҳсулотлар экспортга чиқарилиб, олдинги йилдагига нисбатан 1,3 баробар ўсишга эришилгани ана шундан далолатдир.

Таъкидлаш керакки, Оролбўйида экспортчи корхоналар иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётир.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

**ИСЛОҲОТ**

Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувлар тубдан ўзгартирилгани унинг ҳақиқий бозор хусусиятларига эга бўлишини таъминлаш ва эскича қарашлардан халос бўлишида муҳим аҳамият касб этганлигини алоҳида таъкидлади.

# БОШҚАРУВДАГИ ЯНГИЧА УСЛУБЛАР

### муваффақиятли фаолият юритиш гаровидир

Дарҳақиқат, юртимизда сўнгги пайтларда хусусий мулкчилик шаклларидан бири бўлган акциядорлик жамиятлари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бунинг учун зарур ҳуқуқий асослар яратилаётир. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ҳамда жавобгарлигини кучайтириш, тафтиш комиссиялари ролини ошириш, кам улушга эга бўлган акциядорларнинг кафолатларини таъминлаш ҳамда акциядорлар умумий йиғилишларини соддалаштириш каби кўплаб вазифалар белгилаб берилди. Шу маънода айтиш мумкинки, мазкур ҳужжат тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш ва сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, шунингдек, амалиётга корпоратив бошқарув услубларини кенг жорий қилиш орқали иқтисодиёт рақобатдошлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Ваҳолонки, шу пайтгача акциядорлик жамиятларида кузатув кенгаши, умумий йиғилиш ҳамда тафтиш комиссиялари томонидан миноритарийларнинг манфаатлари тўлиқ таъминланаяпти, деб айта олмас эдик. Ушбу Фармон билан уларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш институтлари мавқеи оширилиб, замонавий бошқарув услубларини жорий қилиш, бунда акциядорлар ўрнини кучайтириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратилди.

Шулардан келиб чиқиб, ҳозирги кунда Қашқадарё вилоятидаги 77 та акциядорлик жамиятидан 47 тасининг ташкилий тузилмасини ўзгартириш, 4 тасини тугатиш ва 26 тасининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда. Аниқроғи, ташкилий тузилмаси ўзгартирилиши белгиланган акциядорлик жамиятларидан 44 тасида мулкдорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиб, ташкилий тузилма ва уставга киритилаётган ўзгартишлар матни тасдиқланди.

Бундан ташқари, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 25 июндаги йиғилиши хулосасига асосан, ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгартириладиган акциядорлик жамиятлари рўйхатига қўшимча 3 та субъект киритилди. Жумладан, “Иссиқлик манбаи” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида жамият мулкчилик шаклини давлат унитар корхонаси мақомига ўзгартириш юзасидан қарор қабул қилинди. “Шаҳрисабз консерва” акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилишида эса мулкчиликнинг масъулияти чекланган жамият шакли, устав фонди ва таъсис ҳужжатлари тасдиқланиб, МЧЖга таъсисчи сифатида киритилмаган акциядорлар билан мулкий муносабатлар суд тартибида якунига етказилиши белгилаб олинди. “Эл ҳақи” акциядорлик жамиятида эса тугатиш жараёни давом этмоқда.

Шунингдек, ҳудудий комиссия томонидан 29 та акциядорлик жамиятининг 72 нафар раҳбар-ходими аттестациядан ўтказилиб, ундан ўта олмаганлар ўрнига юқори малакали хорижий менежерларни ишга қабул қилиш бўйича корхоналарнинг танлов шартлари эълон қилинди. Бу уларда бошқарув ҳамда иш услубини ўзгартириш ва халқаро тажрибаларни амалиётда қўллаш учун кенг йўл очади, албатта.

Халқаро тажрибани ўрганиш мақсадида етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида ўтган йилнинг ўзида 6 та акциядорлик жамиятининг раҳбар-ходимлари Германияда ташкил этилган ўқув-курсларда тажриба орттириб қайтдилар.

Буларнинг барчаси акциядорлик жамиятларига юқори малакали хорижий менежерларни ва салоҳиятли чет эл инвесторларини кенг жалб қилиш ҳамда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга замин яратаяпти. Зеро, замонавий бошқарув усуллари барқарор фаолият юритиш гаровидир.

**Мустафхон СУЛТОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.**

---

## Аждодлар мероси ва ёшлар тарбияси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чунончи, истиқлол йилларида темурийлар ҳаёти, фаолияти, илмий-маънавий меросини атрофлича тадқиқ этиш бўйича илмий изланишлар олиб борилаётир. Бобокалонимизнинг шижоати, жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасига бағишланган асарлар яратилмоқда. Мусаввирларимиз томонидан буюк аждодларимизнинг сиймоси акс эттирилган тасвирий, ҳайкалтарошлик асарлари санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола қилинаяпти. Бундай ижод намуналари эртамиз эгалари қалби ва онгида шу табаррук замин, унда камол топган алломалардан фахрланиш, уларга муносиб авлод бўлиш туйғусини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

— Ўзлигини англашга интилган ҳар бир халқ буюк аждодларининг мамлакат ва жаҳон тарихида тутган ўрни, хизматларини эъзозлайди, — дейди Тошкент давлат юридик университети талабаси Жаҳонгир Ҳайдаров. — Башарият тарихида ўчмас из қолдирган Амир Темур бобомизнинг заковати, илм-фан ва маданият ривожига қўшган ҳиссаси, бунёдкорлик ишлари ибрат мактабидир. Тадбирда улуғ зот ҳақидаги яна кўплаб маълумотлар билан танишганимиз катта маънавий озуқа бўлди.

Он-лайн мулоқотда халқимизнинг бой илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш, мазмун-моҳиятини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишга оид фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**

## Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари Форуми

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Касаба уюшмалари тизимини модернизациялаш борасида амалга оширилаётган салмоқли саъй-ҳаракатлар туфайли бошланғич ташкилотлар молиявий салоҳияти сезиларли даражада ошди. Бу, ўз навбатида, касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, нафақат ходимлар, балки уларнинг яқин қариндошларини ҳам санаторийларнинг имтиёзли йўлланмалари билан таъминлаш имконини бераётир. Хусусан, касаба уюшма аъзолари аввалгидек 5 йилда эмас, балки ҳар 2 йилда бир марта тизимдаги санаторийларга имтиёзли йўлланма олишлари мумкин.

Бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг иш берувчилар билан ижтимоий шериклигини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Пировардида касаба уюшма аъзолари меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахсларни жамоа-шартномавий муносабат билан қамраб олиш кўрсаткичи 2013 — 2015 йиллар давомида 3 фоиз ортиб, 99,3 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, корхона, ташкилот ва муассасалардаги жамоа шартномалари сони 2013 йилдаги 97,5 мингта ўрнига 122 мингтага етди.

Форум қатнашчилари томонидан Бош келишувдан келиб чиқиб, жамоа шартномалари ва келишувлар мазмун-моҳиятининг бойитилиши нафақат ходимлар, балки улар оила аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилаётгани эътироф этилди. Жумладан, ушбу локаль ҳужжатларга хотин-қизлар ҳамда ёшлар манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга оид янги бўлим ва бандлар киритилиб, улар учун имтиёзлар кўлами кенгайтирилди. Натижада хотин-қизлар учун қўшимча таътилдан фойдаланиш, ёш оилаларга фоизсиз ссуда бериш, ёш болали оналарга моддий ёрдам кўрсатиш, эҳтиёжманд оилалар фарзандларини моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаш имкониятлари яратилди.

Анжуманда ушбу йўналишларда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар чуқур таҳлил қилиниб, бу борада илғор тажрибага эга бўлган касаба уюшма ташкилотлари фаолиятига оид тақдимот ўтказилди.

Шундан сўнг бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари учун амалий машғулот уюштирилди. Уларда бошланғич ташкилотларни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, ҳуқуқий ҳимоя функцияларини амалга ошириш, ходимлар учун хавфсиз, муносиб меҳнат шароитлари яратиш, иш берувчилар билан ижтимоий шерикликни ривожлантириш, меҳнат муносабатларини ижтимоий шериклик асосида тартибга солиш масалалари таҳлил қилинди ва бу борада муваффақиятга эришган ташкилотларнинг ижобий тажрибалари ўрганилди.

Якунда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича дастур қабул қилинди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# Коллеж битирувчиси — замонавий кадр

### Сурхондарё вилоятидаги ишлаб чиқариш корхоналарида ёш мутахассисларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.


Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Гап шундаки, корхона билан Термиз туманидаги Янгиариқ қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиётини шу ерда ўтаб, келгусида мазкур жамоа сафига қўшилади. Ҳар йили ишлаб чиқарилаётган калава ипнинг 90 фоизи экспортга йўналтирилишидан тушаётган даромад ҳисобидан эса ёшларнинг унумли меҳнат қилишлари, кўнгилли дам олишлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.

Воҳада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги йигит-қизлар ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Натижада улар ишбилармонлик этагини маҳкам тутиб, ҳатто турли танловларда ҳам фаол қатнашаяпти. Олтинсой туманидаги коллеж битирувчиси Сарвиноз Абдураҳмонова яқинда Термиз шаҳрида ўтказилган “Ташаббус — 2016” кўрик-танловининг вилоят босқичида “Энг яхши ёш тадбиркор” номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Ҳакамлар ҳайъати унинг фаолиятини баҳолашда тенгдошлари учун яратилган иш ўринлари, тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати ва харидоргирлигига алоҳида эътибор қаратиб, пировардида ана шундай хулосага келди.

Умуман, Сурхондарё вилоятида тадбиркорлик шарофати билан энг олис қишлоқларда ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш имконияти тобора кенгаймоқда. Айниқса, ёшларни муқим иш ва ишбилармонликка жалб қилишда банклар томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар муҳим омил бўлмоқда.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## БАРЧА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

# Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2340-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 10 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 33-сонли қарорларига асосан, хорижий инвесторларга сотилиши белгиланган қуйидаги акциядорлик жамиятларининг давлат улуши акциялар пакетлари бўйича**

## БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

| Т/р | Объект номи | Савдога чиқарилган давлат улуши (фоизда) | Тармоқ | Фаолият ихтисослиги | Жойлашган манзили | Давлат активининг бошланғич нархи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | «Қорақалпоқ гўшт-сут савдо» АЖ | 25% | «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси | Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан чакана ва улгуржи савдо | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Бердақ гузари | 2 445,75 млн. сўм |
| 2. | «Пилла» АЖ | 5% | Бошқалар | Ипак қурти саноат хом ашёсини тайёрлаш | Андижон вилояти, Андижон шаҳри, М. Муҳитдинов кўчаси, 79-уй | 258,32 млн. сўм |
| 3. | «Бухоропарранда» АЖ | 36,2% | Бошқалар | Тухум ва парранда гўштини етиштириш | Бухоро вилояти, Когон тумани, Сарапоён қўрғони | 4,454 млн. АҚШ доллари |
| 4. | «Бухоро гўшт-сут савдо» АЖ | 30,83% | «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси | Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан чакана ва улгуржи савдо | Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Когон шоссеси, 10-уй | 2 165,15 млн. сўм |
| 5. | «Жиззах пластмасса» АЖ | 61,04% | «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти | Полиэтилен плёнкаси, полиэтилен қувурлар, полиэтилен қувурларни улаш деталлари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш | Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 5-уй | 7,34 млн. АҚШ доллари |
| 6. | «Шаҳрисабз вино-ароқ» АЖ | 40,48% | «Ўзвиносаноатхолдинг» холдинг компанияси | Вино маҳсулотлари, узум ва олма сокларини ишлаб чиқариш | Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 170-уй | 3,6 млн. АҚШ доллари |
| 7. | «Қашқадарёнефтгаз-ишчитаъминот» АЖ | 59,97% | «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси | Умумий овқатланиш | Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан мавзеси | 20 599,3 млн. сўм |
| 8. | «Қашқадарё озиқ-овқат моллари» АЖ | 25% | «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси | Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан чакана ҳамда улгуржи савдо | Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Ўзбекистон овози кўчаси, 4-«А» уй | 1 990,64 млн. сўм |
| 9. | «Навоийазот» АЖ | 49% | «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти | Минерал ўғитлар, нитрон толаси ва кимёвий реагентлар ишлаб чиқариш | Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Саноат ҳудуди, 5 | 202,24 млн. АҚШ доллари |
| 10. | «Қизилқумцемент» АЖ | 35,9% | «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси | Цемент маҳсулотлари ишлаб чиқариш | Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Саноат ҳудуди, 3 | 160,66 млн. АҚШ доллари |
| 11. | «Наманганулгуржисавдо» АЖ | 1,1% | «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси | Озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан чакана ва улгуржи савдо | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Дўстлик шоҳкўчаси, 18-уй | 52,4 млн. сўм |
| 12. | «Самарқандкимё» АЖ | 49% | «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти | Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Кимёгарлар қўрғони | 13,11 млн. АҚШ доллари |
| 13. | «Самарқанд мармар» АЖ | 6,9% | «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси | Мармар ва гранит маҳсулотлари ишлаб чиқариш | Самарқанд вилояти, Оқтош шаҳри, К. Мирзаев кўчаси, 2-уй | 697 327,17 АҚШ доллари |
| 14. | «Н.А. Ховренко номли Самарқанд вино комбинати» АЖ | 20,18% | «Ўзвиносаноатхолдинг» холдинг компанияси | Вино ва шароб маҳсулотлари ишлаб чиқариш | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Маҳмуд Қошғарий кўчаси, 58-уй | 2,63 млн. АҚШ доллари |
| 15. | «Оҳалик-Ломанн-парранда» АЖ | 12,76% | Бошқалар | Тухум ва парранда гўштини етиштириш | Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Илонсой қўрғони | 2,05 млн. АҚШ доллари |
| 16. | «Қишлоқхўжаликкимё» АЖ | 32,03% | «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти | Кимёвий маҳсулотлар ва минерал ўғитларнинг ҳудудий таъминоти | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, С. Айний кўчаси, 2-уй | 6,33 млн. АҚШ доллари |
| 17. | «Бизнес-центр Самарқанд» АЖ | 30,13% | Бошқалар | Ижара хизмати | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй | 2 534,71 млн. сўм |
| 18. | «Республика кимё маҳсулотлари базаси» АЖ | 25% | «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти | Кимёвий маҳсулотлар ва минерал ўғитларнинг ҳудудий таъминоти | Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани, «Боғистон» ҚФЙ | 2 531,83 млн. сўм |
| 19. | «Сурхондарё озиқ-овқат моллари» АЖ | 25% | «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси | Озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан чакана ва улгуржи савдо | Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, А. Ҳидоятов кўчаси, 1-уй | 2 834,2 млн. сўм |
| 20. | «Фарғонаазот» АЖ | 48,05% | «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти | Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Саноат кўчаси, 222-уй | 152,92 млн. АҚШ доллари |
| 21. | «Қўқон механика заводи» АЖ | 0,32% | «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси | Нефть ва газни қайта ишлаш ускуналарини ҳамда улар учун эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш | Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Қоғозгарлик кўчаси, 1-уй | 98 998 АҚШ доллари |
| 22. | «Кварц» АЖ | 75% | «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси | Шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш | Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 2-«А» уй | 94,358 млн. АҚШ доллари |
| 23. | «Қўқон суперфосфат заводи» АЖ | 60,2% | «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти | Кимёвий бирикмалар ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш | Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Давронбек кўчаси, 87-уй | 9,615 млн. АҚШ доллари |
| 24. | «Фарғона гўшт-сут савдо» АЖ | 25% | «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси | Озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан чакана ва улгуржи савдо | Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Янги Фарғона кўчаси, 1-уй | 3 409,2 млн. сўм |
| 25. | «Оҳангароншифер» АЖ | 54% | «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси | Шифер, ғишт ҳамда қувур маҳсулотлари ишлаб чиқариш | Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Саноат ҳудуди | 26,504 млн. АҚШ доллари |
| 26. | «Ангрен пак» АЖ | 25% | Бошқалар | Картон ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш | Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Гулбоғ қишлоғи | 5,399 млн. АҚШ доллари |
| 27. | «Қишлоқхўжаликкимё» АЖ | 34,77% | «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти | Кимёвий маҳсулотлар ҳамда минерал ўғитларнинг ҳудудий таъминоти | Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Хонобод қ., Иссиқхона комбинати, 1-уй | 22 528,9 млн. сўм |
| 28. | «Тошкент-Осиё» АЖ | 46,67% | Бошқалар | Ишлаб чиқаришга оид бўлмаган кўчмас мулкларни сотиш ва ижарага бериш | Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Салар» ШФЙ, Гулистон кўчаси, 1-уй | 7 804,87 млн. сўм |
| 29. | «Хоразмсувқурилиш» АЖ | 70,02% | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги | Сув хўжалиги қурилиши | Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 2-«А» уй | 5,424 млн. АҚШ доллари |
| 30. | «Боғот автохизмат» АЖ | 6,59% | Бошқалар | Транспорт хизматлари | Хоразм вилояти, Боғот тумани, Хонқа (Урганч) кўчаси, 3-уй | 277,1 млн. сўм |
| 31. | «Алоқабанк» АТБ | 47,6% | Банклар | Банк хизматлари | Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 4-уй | 42,726 млн. АҚШ доллари |
| 32. | «Туронбанк» АТБ | 63,1% | Банклар | Банк хизматлари | Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-«А» уй | 29,974 млн. АҚШ доллари |
| 33. | «Ўзагросуғурта» АЖ | 24,6% | Суғурта компанияси | Суғурта хизматлари | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Мустақиллик кўчаси, 5-уй | 7,358 млн. АҚШ доллари |
| 34. | «Кафолат» АЖ | 15,5% | Суғурта компанияси | Суғурта хизматлари | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Мустақиллик кўчаси, 5-уй | 3,318 млн. АҚШ доллари |
| 35. | «Халқаро ҳамкорлик маркази» АЖ | 29,9% | Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги | Офис ҳамда бошқа мақсадлар учун бинони ижарага бериш. Бинода меҳмонхона, маросим, учрашув, йиғилиш ва конференциялар ўтказиш ҳамда бошқа кўплаб хизматлар | Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 107-«В» уй | 32,499 млн. АҚШ доллари |
| 36. | «Ўзэкспомарказ» АЖ | 38,3% | Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги | Кўргазма ва ярмаркаларни ўтказиш | Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 107-уй | 24,977 млн. АҚШ доллари |
| 37. | «Сувсаноатмаш» АЖ | 48,2% | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги | Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган техникалар ишлаб чиқариш ҳамда уларни капитал таъмирлаш | Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин кўчаси, 120-уй | 7,325 млн. АҚШ доллари |
| 38. | «Халқ истеъмол товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси республика маркази» АЖ | 49% | «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси | Кўргазма маросимларини ташкил этиш | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 41-уй | 4,283 млн. АҚШ доллари |
| 39. | «Шарқ» НМАК | 44% | «Шарқ» НМАК | Матбуот-ноширлик хизмати, газета ва журналлар чиқариш ҳамда бошқалар | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уй | 11,266 млн. АҚШ доллари |
| 40. | «Тошкент қурилиш моллари комбинати» АЖ | 3,75% | «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси | Керамик буюмлар ишлаб чиқариш | Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шота Руставели 2-тор кўчаси, 2-уй | 790,41 млн. сўм |
| 41. | «Ипак йўли» АИТБ | 0,61% | Банклар | Банк хизматлари | Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 2-уй | 3 226,3 млн. сўм |
| 42. | «Ўзмед-лизинг» АЖ | 13,33% | Лизинг компанияси | Асбоб-ускуналар ва тиббий техникаларнинг лизинги | Тошкент шаҳри, Ҳ. Олимжон кўчаси, 11-«А» уй | 485,65 млн. сўм |
| 43. | «Мадад» АЖ | 6,08% | Суғурта компанияси | Суғурта хизматлари | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Тамарахоним кўчаси, 7-уй | 154,02 млн. сўм |
| 44. | «Республика мулк маркази» АЖ | 34% | Давлат рақобат қўмитаси | Кўчмас мулк савдолари ташкилотчиси | Тошкент шаҳри, Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй | 1 568,67 млн. сўм |
| 45. | «4-сон таъмирлаш-қурилиш-йиғиш бошқармаси» АЖ | 98,64% | Ҳокимият | Қурилиш-монтаж ишлари | Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қумариқ кўчаси, 4-уй | 465,96 млн. сўм |
| 46. | «ЎзПетрол» АЖ | 49% | Бошқалар | Ёнилғи қуйиш шохобчалари | Тошкент шаҳри, Гавҳар кўчаси, 75-уй | 4 185,6 млн. сўм |
| 47. | «Совпластитал» АЖ | 30% | Бошқалар | Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш | Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 29-«А» уй | 33 352,93 млн. сўм |
| 48. | «Газавтоматика» АЖ | 26% | «Ўзкоммунхизмат» агентлиги | Сув ва газ қувурлари ишлаб чиқариш | Тошкент шаҳри, Чилонзор-20 мавзеси, Заргарлик кўчаси, 10-«А» уй | 3 135,89 млн. сўм |
| 49. | «Инвестстрой» АЖ | 60% | Бошқалар | Нотурар кўчмас мулкларни ижарага бериш | Россия Федерацияси, Владимир шаҳри, Строитель шоҳкўчаси, 22-«А» уй | 2,526 млн. АҚШ доллари |
| 50. | «Ўзсувлойиҳа» АЖ | 15% | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги | Сув хўжалиги қурилишларини лойиҳалаштириш | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Шайхонтоҳур кўчаси, 1-«А» уй | 1 096,61 млн. сўм |
| 51. | «Ташгипрогор» АЖ | 15% | Бошқалар | Уй-жой ва ишлаб чиқариш объектлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаш ҳамда консультацион хизматлар кўрсатиш | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 40-уй | 1 176,98 млн. сўм |
| 52. | «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АЖ | 15% | Лизинг компанияси | Лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш | Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-«А» уй | 22 849,48 млн. сўм |
| 53. | «Мулк-сармоя брокерлик уйи» АЖ | 15% | Давлат рақобат қўмитаси | Инвестициявий воситачи ва маслаҳатчи | Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй | 679,54 млн. сўм |
| 54. | «Элсис-савдо» АЖ | 15% | Давлат рақобат қўмитаси | Биржадан ташқари савдоларни ташкил этиш | Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй | 148,6 млн. сўм |
| 55. | «Ўзбекэкспертиза» АЖ | 15% | Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги | Экспорт-импорт операцияларини сертификатлаштириш | Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51-уй | 1 258,5 млн. сўм |
| 56. | «Ўзбекенгилсаноат» АЖ | 15% | «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти | Енгил саноат | Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 45-уй | 3 030,87 млн. сўм |

***Эслатиб ўтамиз!***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2454-сонли қарорига асосан, давлат активларини сотиб оладиган хорижий инвесторларга бир қатор имтиёзлар тақдим этилган. Жумладан:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сонли Фармони билан хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида, корхоналарга хорижий инвестор томонидан киритилган инвестициялар ҳажмига қараб, юридик шахсларнинг фойда солиғи, мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш бўйича берилган имтиёзлар табақалаштирилган тарзда хорижий инвесторнинг улуши устав капиталининг 15 фоиздан 33 фоизигача миқдорни ташкил этадиган акциядорлик жамиятларига татбиқ этилади;

(Давоми 4-бетда).






САНЪАТ

*Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, Президентимиз Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида жойларда барпо этилаётган мусиқа ҳамда санъат мактабларининг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти хусусида тўхталиб, бу борадаги чора-тадбирларни янада кучайтириш зарурлигини таъкидладилар.*

# МУСИҚА КАМОЛОТГА ЭЛТАДИ

Андижон вилоятида ҳам фарзандларимизнинг спорт, мусиқа ҳамда санъатга бўлган қизиқишини рўёбга чиқариш мақсадида эзгу саъй-ҳаракатлар олиб борилаяпти. Бу ҳудудда 27 та болалар мусиқа ва санъат мактаби ташкил этилгани, ушбу муассасалар навқирон авлоднинг ҳар томонлама етук инсон сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этаётгани мисолида ҳам кўзга яққол ташланаётир. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, бундай масканлар замонавий жиҳозлар, мусиқа асбоблари билан тўлиқ таъминланган. Малакали педагоглар эса қарийб 5300 нафар ўғил-қизга нафақат ўзбек миллий мусиқаси ва санъати дурдоналарини, айни пайтда халқаро миқёсда эътироф этилган ўлмас асарларни ҳам кунт билан ўргатиб келмоқда.

Албатта, бундай эътибор ҳамда ғамхўрлик юксак самаралар бермоқда. Биргина 2015 йилда андижонлик ёш мусиқачилардан 22 нафари Италия, Латвия, Беларусь, Озарбайжон каби давлатларда бўлиб ўтган халқаро танлов ва фестивалларда ғолиб ҳамда совриндорлар сафидан жой эгаллагани бунинг тасдиғидир.

Жумладан, Андижон шаҳридаги 3-мусиқа ва санъат мактабининг "Ширин гулғунча" рақс ансамбли Болтиқбўйида ўтказилган "Dance Olympiad Riga — 2015" халқаро танловида биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, ушбу мактаб ўқувчиси Моҳизар Абдуллаева Италияда ташкил этилган "Hello Italy" халқаро фестивалида вокал йўналишида ғолиб, деб топилди. Рақс йўналишида эса яна бир истеъдодли ўқувчи Қизлархон Абдураҳмонова иккинчи ўрин соҳибасига айланди. Бундан ташқари, андижонлик ёш санъат ихлосмандлари "Камалак юлдузлари" республика болалар ижодиёти фестивалида бир неча бор совриндор бўлдилар.

Соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар нафақат ўсиб келаётган авлоднинг билими, савияси ва дунёқарашини ўзгартирмоқда, балки ота-оналарга ҳам ижобий таъсир ўтказаётир. Буни уларнинг фарзандларига мусиқа ҳамда санъат мактабларига қатнашлари учун шароит яратиб бераётганидан ҳам билса бўлади. Натижада бугун ёш иқтидорлар шаҳарлару туман марказлари уёқда турсин, энг чекка қишлоқларда ҳам кашф этилаяпти.

Эртамиз эгаларининг истеъдодини юзага чиқаришда турли маданий-маърифий тадбирлар, байрамлар, фестиваль ва танловларнинг ҳам ўрни беқиёс. Бинобарин, ана шундай тадбирлар сабаб улар иқтидорларини намоён этиш, ижодий жараёнларда қатнашиш, ўз маҳоратларини ўстириш борасида кенг имкониятга эга бўлмоқда. Шундай анжуманлардаги мулоқотлар чоғида ота-оналар ўзларининг дил сўзларини изҳор этиб, Президентимиз томонидан навқирон авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликдан миннатдор эканликларини билдиришаяпти. Жумладан, Андижон шаҳрида яшовчи Абдураҳмон Абдурашидовнинг таъкидлашича, қизи Ойдиной нимжон бўлиб ўсаётгани боис, шифокорлар унга спорт билан шуғулланишни тавсия қилишган. Шунда у қизини мусиқа ва санъат мактабининг рақс гуруҳига олиб борган. Абдураҳмоннинг эътирофича, бугун Ойдиной нафақат соғлом ҳамда баркамол улғаймоқда, балки юртимиз ва хорижда ташкил этилаётган танловларда ҳам совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

2016 — 2020 йилларда вилоятимизда 4 та янги қурилиш, 6 та капитал реконструкциялаш тадбирлари эвазига ўнта болалар мусиқа ва санъат мактаби ишга туширилиши кўзда тутилган. Эътиборлиси, уларнинг 8 таси вилоят марказидан узоқ бўлган қишлоқларда барпо қилинади. Бунинг учун Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 5 миллиард 200 миллион сўм маблағ йўналтирилади.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида ҳам мусиқа ҳамда санъат бобидаги таълим-тарбияни янада юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланганлиги бу борадаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириши баробарида, фарзандларимиз муваффақиятларига пухта замин яратишга хизмат қилиши муқаррар.

**Серобиддин ИСМОИЛОВ,**
**Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи.**

# Спорт

*Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида шахмат бўйича ўтказилган "Осиё миллатлар кубоги — 2016" халқаро турнирида мамлакатимиз аёллар терма жамоаси иккинчи ўринни қўлга киритди.*

## Шахматчиларимиз бўш келишмади



Ҳал қилувчи сўнгги — тўққизинчи турда шахматчи қизларимиз Шри-Ланка вакилларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Жумладан, Сарвиноз Қурбонбоева ва Ирина Геворкян рақибалари устидан зафар қучган бўлса, Нафиса Мўминова ҳамда Севара Боймуродова дуранг натижа қайд этди. Якунда терма жамоамиз жами 22,5 очко жамғариб, кумуш медаль билан тақдирланди.

Марат Жумаев, Алексей Барсов, Акмал Файзуллаев ва Никита Хорошев каби истеъдодли спортчилардан таркиб топган Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси эса 20 давлат ўртасида кучли бешликдан жой олди. Улар сўнгги турда Иордания вакилларини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

**Саиджон МАХСУМОВ тайёрлади.**

## Соғлом турмуш асоси

*Андижонда "Биз буюк юртнинг баркамол фарзандларимиз!" шиори остида аёллар сув спорти фестивали ташкил этилди.*



Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт ишлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда халқ таълими бошқармалари ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда иштирокчилар сузиш, синхрон сузиш, сувга сакраш турлари бўйича ўз истеъдодларини намойиш қилишди.

Тадбирнинг очилиш маросимида мамлакатимизда спорт жадал ривожланиб бораётгани қайд этилди. Ҳудудларда инфратузилманинг йилдан-йилга такомиллаштирилаётгани жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилаяпти. Масалан, айни пайтда биргина Андижон вилоятида 20 мингдан ортиқ хотин-қиз спорт билан мунтазам шуғулланаётгани, 110 минг нафари соғломлаштириш машғулотларига қамраб олингани ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишда катта аҳамият касб этаётир.

Тадбирда спортнинг сузиш, синхрон сузиш, сувга сакраш турлари бўйича кўп карра Ўзбекистон чемпиони, қатор халқаро турнирлар совриндорлари Зебунисо Алишерова, Дилрабо Аҳмедова, Фарида Мўминжонова, Альмира Маматказина, Бегойим Бозорова, Ирода Садриддинова, Шоҳсанам Тошпўлатова каби тажрибали спортчилар қаторида ёш иқтидор эгаларининг кўргазмали чиқишлари ҳам томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Фестиваль эл суйган санъаткорлар ва ҳаваскор ижрочилар иштирокидаги концерт дастурига уланиб кетди.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ.**

## Ҳудудий босқич якунланди

*Сирдарёда футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари тарбияланувчилари ўртасидаги республика мусобақасининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.*

Унда мезбонлардан ташқари, Андижон, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё ҳамда Фарғона вилояти вакиллари ўзаро баҳс олиб борди.

14-15 ёшли болалар ўртасидаги ўйинларда майдон эгалари ғолиб чиққан бўлса, Андижон ва Фарғона вилояти жамоалари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни қўлга киритди.

12-13 ёшлилар ўртасида Янгиер шаҳрилик ёш спортчилар финалда бухоролик рақибларидан устун келди. Андижонлик умидли футболчилар эса кучли учликдан жой олди.

Ҳудудий босқичда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар мусобақанинг финал босқичида қатнашади.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Ватанга садоқат, бурчга масъулият

Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш — ҳар бир йигитнинг орзуси. Мен ана шу ниятга эришган навқирон авлод вакилларидан эканимдан чексиз фахрланаман. Айни пайтда Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаяпман. Зиммамдаги масъулиятни чуқур ҳис қилиб, билдирилган ишончни оқлашга астойдил интилмоқдаман.

ДИЛ СЎЗИ

Яқинда ҳаётимда яна бир унутилмас воқеа бўлди. Сафдошларим қатори юртимиз сарҳадлари, халқимиз осойишталигини ҳимоя этишга тантанали равишда қасамёд қилдим. Биласизми, ана шу аҳдимни изҳор этар эканман, бутун вужудимни ажиб ифтихор туйғуси қамраб олди. Қалбимда жонажон Ўзбекистонимизга бўлган меҳр-муҳаббат, фарзандлик ҳисси янада жўш урди. Буни таърифлаш қийин. Тантанали маросимда аскарлар номидан сўзга чиқдим. Яратиб берилаётган шарт-шароитлар учун Президентимизга миннатдорлик билдирдик. Бахтиёр онларимизга ота-оналаримиз, жамоатчилик вакиллари шерик бўлишди. Ушбу дамлар сурури ҳеч қачон ёдимдан кўтарилмайди...

Ҳарбий хизматга болалигимдан қизиқаман. Шу боис спортнинг футбол, муайтай ва оғир атлетика турлари билан мунтазам шуғулланиб, жисмоний тайёргарлигимни оширишга алоҳида эътибор бердим. Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида пухта билим олдим. Ўз навбатида, юртимизда ушбу соҳада, маънавий-маърифий йўналишда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёни билан танишиб боришга интилдим. Буларнинг барчаси муддатли ҳарбий хизматга бориш учун белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтишимда қўл келди. Яқинларим, устозларим Қуролли Кучлар сафига олинганимни эшитиб, "Баракалла!" деб мени табриклашганида ич-ичимдан ғурурландим.

Ҳозир Сурхондарё вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида йигитлик бурчимни ўтаяпман. Бу ерда биз учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Ҳарбий қисм офицерлари ва кичик командирлари ҳарбий билим ҳамда кўникмаларни пухта эгаллашимизга яқиндан ёрдамлашмоқда.

Сафдошларим қатори мустақил Ўзбекистонимиз чегараларини ҳимоя қилиш орқали унинг тараққиётига ўз ҳиссамни қўшаман. Зеро, бу бизнинг фарзандлик бурчимиз, аскарлик қасамёдимизга содиқлигимиз ифодасидир.

**Ҳумоюн ЮНУСОВ, оддий аскар.**

# «Қалбдан чиққан чизгилар»

Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвонсаройида ёғоч ўймакори Эргаш Алиевнинг кўргазмаси очилди.



КЎРГАЗМА

"Дўстлик" ордени соҳиби Э. Алиев қўлида сайқал топган эшиклар, саккизқиррали "Гули бодом" хонтахта ва совғабоп буюмларни кўрган кишининг ҳайрати ошади, баҳридили очилади.

"Қалбдан чиққан чизгилар" номли кўргазмада маҳоратли устанинг шахмат тахтаси, лавҳлар, лаганлар, курсилар жамламаси, бежирим қутичалар каби ижод намуналари намойиш қилинмоқда.

**Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.**


ЭЪЛОНЛАР

БАРЧА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси**

**БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

*(Давоми. Бошланиши 3-бетда).*

— 2020 йилнинг 1 январигача хорижий инвесторлар акциядорлик жамиятларида ўзларига тегишли акциялардан дивиденд тарзида олаётган даромадларидан солиқ тўлашдан озод қилинади;
— хорижий инвестицияси мавжуд акциядорлик жамиятларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда, даъво аризаси билан судга мурожаат этганда, давлат божини тўлашдан озод қилинади, кейинчалик давлат божи суднинг тегишли қарори билан айбдор деб топилган томондан ундириб олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2200-сонли қарорига асосан, давлат активлари бўйича харид тўловларини (бошланғич тўлов суммаси бундан мустасно) тўлаш муддати сотувчи томонидан белгиланади, аммо олди-сотди шартномаси кучга кирган кундан бошлаб 24 ойдан ошиб кетиши мумкин эмас, агар давлат мулкини хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссияси ёки ҳукумат қарорларида ўзгача тартиб ўрнатилмаган бўлса.

Сотилиши белгиланган акция пакетлари ва акциядорлик жамиятлари бўйича батафсил маълумот олиш учун қуйидаги манзилларга мурожаат этиш мумкин:

— **Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси.**
Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй. Телефонлар: (+99871) 259-21-38, 259-21-14, 259-20-29.
Веб-сайтлар: www.gkk.uz, www.gki.torg.uz
Электрон почта манзили: privatization@gki.uz

— **Давлат активларини бошқариш маркази.**
Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй. Телефонлар: (+99871) 259-21-48, 259-21-20, 259-21-47.
Веб-сайт: www.csam.uz
Электрон почта манзили: tsuga.gkk@gki.uz

— **«Тошкент» Республика фонд биржаси.**
Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй.
Телефонлар: (+99871) 236-07-40, 233-32-31.
Веб-сайт: www.uzse.uz
Электрон почта манзили: info@uzse.uz

— **«Mulk-sarmoya brokerlik uyi» акциядорлик жамияти.**
Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй.
Телефонлар: (+99871) 232-10-45, 232-10-46.
Веб-сайт: www.ndvakt.uz
Электрон почта манзили: xursan@ndvakt.uz

*Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!*

**Биржа савдолари жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда, Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади.**

557-2/248

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

*очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

**«Capital realtor group» МЧЖда 2016 йил 26 апрель куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** Миробод тумани СИБ томонидан 2013 йил 19 февралдаги 1-99-3-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қизил Арват кўчаси, 65-уйда жойлашган, умумий майдони 283 кв.м., фойдаланиш майдони 76,15 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 63 144 000 сўм.***

**2.** Миробод тумани СИБ томонидан 2012 йил 17 ноябрдаги 1-540/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Фидокор (собиқ Чехов) кўчаси, 40-уйининг ертўласида жойлашган, умумий майдони 20 кв.м. бўлган 24-сонли автомобилларни сақлаш жойи.

***Бошланғич баҳоси — 27 662 550 сўм.***

**3.** Миробод тумани СИБ томонидан 2012 йил 1 июндаги 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ 7-берк кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий майдони 202,07 кв.м., фойдаланиш майдони 115,24 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 152 981 991 сўм.***

**4.** Миробод тумани СИБ томонидан 2013 йил 19 февралдаги 1-99-3-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

● Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 10-уйининг ертўласида жойлашган, умумий майдони 38 кв.м. бўлган 16-сонли автомобилларни сақлаш жойи.

***Бошланғич баҳоси — 30 798 145 сўм.***

● Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 10-«Б» уйининг ертўласида жойлашган, умумий майдони 73 кв.м. бўлган 43 ва 45-сонли автомобилларни сақлаш жойи.

***Бошланғич баҳоси — 59 164 856 сўм.***

● Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси,10-уйининг ертўласида жойлашган, умумий майдони 38 кв.м. бўлган 15-сонли автомобилларни сақлаш жойи.

***Бошланғич баҳоси — 30 798 145 сўм.***

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (0-371) 250-19-24.**

Хизматлар лицензияланган.

577А/74



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 116 473 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 21.55 1 2 3 4 5 6